

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ИНОЯТОВ МАҲМУД БАФОЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШДА ИНСОН ОМИЛИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по политическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of Doctor of Philosophy (PhD) on Political Sciences**

Иноятов Махмуд Бафоевич

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш жараёнларини
жадаллаштиришда инсон омили 3

Иноятов Махмуд Бафоевич

Человеческий фактор в ускорении процессов демократизации
в Узбекистане 21

Inoyatov Mahmud Bafoevich

The human factor in accelerating the democratization processes in Uzbekistan ...39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 44

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.29.08.2017.S.01.08 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ИНОЯТОВ МАҲМУД БАФОЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАМИЯТНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ
ЖАРАЁНЛАРИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШДА ИНСОН ОМИЛИ**

23.00.02 – Сиёсий институтлар, жараёнлар ва технологиялар

**СИЁСИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.PhD/Ss83 рақам билан рўйхатга олинган.

Сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Ўзбекистон Миллий университети веб-саҳифасида (www.nuu.uz) ва «Ziynet» ахборот таълим порталининг www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Қуранбаев Қахрамон Қўчқорович сиёсий фанлар доктори
Расмий оппонентлар:	Бекмурадов Мансур Бобомурадович социология фанлари доктори, профессор Мавлонов Журабек Ёрқул ўғли сиёсий фанлар доктори (DSc)
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат шарқшунослик институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29.08.2017.S.01.08 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси, 5-қават, 511-хона.)

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Маъмурий биноси, 2-қават, 4-хона. Тел.: (99871) 246-67-71, факс: (99871) 246-02-24.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Пахрутдинов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

А.Д.Аскарров
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д (PhD), доцент

Б.Т.Туйчиев
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий
семинар раиси, ф.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XXI асрга келиб, жаҳоннинг кўпгина давлатларида демократик жараёнларни жадаллаштириш, шунингдек, жамиятни сиёсий, ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан барқарорлигини таъминлашда инсон омили масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, уни янада ривожлантириш учун давлатнинг демократик институтлари фаолиятида самарали механизмларни қўллаш амалиёти янада кучаймоқда. Натижада, эркин бозор муносабатларига асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш ва ривожлантириш жаҳоннинг тараққий этаётган аксарият давлатлари учун асосий масалага айланиб бормоқда. Айниқса, давлат ва жамият бошқаруви тизимини замонавий ижтимоий-сиёсий жараёнлар мазмун-моҳиятини инобатга олган ҳолда доимий демократлаштириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Ушбу жараёнлар нафақат объектив шарт-шароитлар ҳамда вазиятларни, балки мазкур ҳолатларни ҳаракатга келтирувчи субъектив омилларини жиддий тадқиқ этиш заруратини кун тартибига олиб чиқмоқда.

Ҳозирги вақтда дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги илмий марказлар томонидан жамиятни янада демократлаштириш ва унда инсон омилининг ўрнига оид муаммоларни ўрганиш бўйича кенг қўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бунда асосий эътибор жамиятни демократлаштиришда инсон омилининг роли, бошқарувда демократик тамойилларга амал қилиш, шахс имижини шакллантиришнинг ижтимоий-психологик механизмлари ва унинг омилларига оид масалаларга эътибор қаратилмоқда. Бу тадқиқотлар натижасида, “демократия”, “демократик бошқарув”, “демократик бошқарув технологиялари”, “сиёсий маркетинг” “демократик жараёнларда инсон омили” сингари тушунчаларнинг моҳиятига оид бир қатор янги концептуал ғоялар илгари сурилмоқда. Ушбу омил жамиятни демократлаштириш жараёнларини жадаллаштиришда инсон омилини тадқиқ этишга бўлган эътиборни янада оширмоқда.

Мамлакатимизда сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқароларнинг дахлдорлик ҳиссини ошириш ҳамда жамиятимизни жадал демократлаштириш жараёнларида инсон омилининг роли ошиб бормоқда. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг устувор йўналишларидан бири “давлат ва жамият қурилишини такомиллаштириш”, яъни демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишда парламентнинг ҳамда сиёсий партияларнинг ролини янада кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш асосий вазифалардан бири қилиб белгиланган. Шу маънода, жамиятни демократлаштириш жараёнларини жадаллаштиришда инсон омилининг ролига доир назарий-методологик ёндашувларни сиёсий фан нуқтаи назаридан тизимли равишда ўрганиш, илмий-назарий аҳамиятга молик хулосаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа саналади.

Мазкур диссертация Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 1997 йил 24 апрелдаги “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, 1999 йил 14 апрелдаги “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”ги, 2014 йил 5 майдаги “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги ва 2016 йил 11 апрелдаги “Парламент назорати тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2017 йил 8 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар тўғрисидаги концепцияни тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5185-сонли фармонлари, 2019 йил 4 октябрдаги “Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислохотлар устидан жамоатчилик назорати самарадорлигини, шунингдек, фуқароларнинг демократик ўзгартиришлардаги фаоллигини оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4473-сонли қарорлари ва мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Демократик ислохотларни амалга ошириш ва халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишини таъминловчи жамиятни шакллантиришда инсон омилини ўрганишнинг илмий-назарий ва ижтимоий-сиёсий масалаларига алоқадор манбаларни қуйидагича таҳлил қилиш мумкин:

Жамиятни демократлаштириш жараёнларини жадаллаштиришда инсоннинг роли масалалари бўйича кўплаб хорижий мутахассислар илмий изланишлар олиб боришган. Айтиш керакки, амалга оширилган ишлар тадқиқ этилаётган мавзунинг у ёки бу томонларини қамраб олган. Улар қаторига: С.Паул, Жон Стюарт Милль, Т.Парсонс, Р.Арон, Фридрих фон Хайек, Вильгельм фон Гумбольдт, Алексис де Токвиль, Бенжамен Констан, Д.Истон, Г.Алмонд, Р.Даль, К. Дойч, С.Хантингтон, Г.Лассуэл, Э.Дюркгейм, В.И.Васильев, В.Романюк, М.Лебедева ва бошқаларни киритиш мумкин. Мазкур олимларнинг илмий хулосалари демократия феноменини бугунги замон нуқтаи назаридан англашда қимматли манба бўлиб хизмат қилган.

Жамиятни демократлаштириш кенг қамровлиги ва кўп қирралилиги билан характерланади. Мамлакатимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш, фуқароларимиз учун муносиб турмуш шароитларини яратиш, ижтимоий ҳаётнинг мафқуралар ва фикрлар хилма-хиллиги асосида ривожини таъминлашда инсон омилини ўрганишнинг илмий-назарий ва ижтимоий-сиёсий масалаларига алоқадор манбаларни бир неча гуруҳга бўлиб таҳлил қилиш мумкин.

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштиришга доир илмий-назарий жиҳатлар М.Шарифхўжаев, А.Азизхўжаев, Р.З.Жумаев, М.Қирғизбоев, Н.Жўраев, И.Эргашев, Ш.Пахрутдинов, Ш.Жалилов, Ф.Мусаев, М.Бекмуродов, Қ.Назаров, У.Идиоров, Б.Туйчиев, М.Миракулов, Қ.Куранбаев, Ф.Равшанов, Ж.Мавлонов, У.Убайдуллаев, Ф.Жўракулов, О.Ҳасанов, Ш.Отакулов¹ каби олимлар томонидан тадқиқ этилган. Улар ўз изланишларида жамиятни демократлаштиришнинг ҳуқуқий асослари, ижтимоий-сиёсий жараёнларда сиёсий институтларнинг роли, сиёсий институтлар фаолиятини эркинлаштириш жараёнлари, президентлик институтининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили, парламент назорати институтини демократлаштириш жараёни, сиёсий партиялар, нодавлат ва ноижорат ташкилотлари, миллий манфаатлар ва бошқарув масъулияти, огоҳлик ва ҳушёрлик тамойиллари, мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши ва барқарор тараққиётни таъминлашда сиёсий институтларнинг роли масалаларига эътибор қаратганлар. Мазкур мутахассислар мамлакатни демократлаштириш масаласи жамият тараққиётини юксалтиришнинг муҳим омили эканлигини, уни сиёсий, иқтисодий, диний, ҳуқуқий муносабатлар доирасида асослашга ҳаракат қилганлар.

Мавзуга доир илмий адабиётлар таҳлили шундан далолат берадики, жамиятни демократлаштиришни жадаллаштириш жараёнлари ҳамда унда инсон омилининг тутган ўрни сиёсий фанлар нуқтаи назаридан етарлича ўрганилмаган. Жамиятни янада демократлаштиришнинг ҳозирги замон концепциясида жамият ҳаётига таъсир этувчи инсон омилининг роли ва ўзига хослигини сиёсий жараёнлар нуқтаи назаридан илмий тадқиқ этиш ҳозирги куннинг энг долзарб муаммоларидан биридир. Шу сабабли, жамиятни демократлаштириш жараёнларини жадаллаштиришда инсон омилини ўрганиш билан боғлиқ муаммоларни сиёсий фанлар нуқтаи назаридан махсус тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат куриш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришда сиёсий институтлар ва нодавлат ва ноижорат ташкилотларининг ўрни” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш жараёнларини жадаллаштиришда инсон омилининг аҳамиятини очиқ бериш билан бирга, уни янада ривожлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“жамият”, “демократия”, “инсон омили”, “шахс” каби тушунчаларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш;

¹ Мазкур тадқиқотчилар асарлари диссертациядаги «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

жамиятни демократлаштиришга оид концепциялар моҳиятини очиб бериш;

жамиятни демократлаштириш жараёнларини жадаллаштиришнинг мамлакатимиз тараққиётидаги ижтимоий-сиёсий аҳамиятини асослаш;

мамлакатимизда жамият ҳаётини янгилаш ва модернизациялашнинг ўзига хос босқичларини аниқлаш;

сиёсий-ҳуқуқий маданиятнинг ривожланиши - жамиятнинг демократиялашувини жадаллаштирувчи омил эканлигини кўрсатиб бериш;

“Ҳаракатлар стратегияси” жамиятни демократлаштиришнинг жадаллашган босқичи эканлигини илмий жиҳатдан асослаш;

“Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясининг жамиятни демократлаштиришдаги аҳамиятини очиб бериш;

демократик жамият қурилишида инсон омилини фаоллаштиришнинг муаммо ва ечимларини кўрсатиб бериш.

Тадқиқот объектини Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш жараёнларини жадаллаштиришда инсон омили ва унинг ўзига хос хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети жамиятни демократлаштиришга қаратилган жараёнларда амалга оширилаётган ислохотлар ва унда инсон омилининг ролини кўрсатиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда комплекс ёндашув, тарихийлик, мантиқийлик, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, кузатув, контент каби тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ижтимоий-сиёсий парадигмалар доирасида жамиятни демократлаштиришга оид категориал таърифлар замонавий шароитда жамиятни демократлаштириш жараёнларини жадаллаштиришда инсон омилининг специфик хусусиятлари мавжудлигини асослаш орқали такомиллаштирилган;

жамиятнинг демократлашганлиги ва унда инсон омили категорияси жамиятнинг эркинлиги, бошқарувнинг легаллиги ва легитимлиги, давлат ва халқ ўртасида ўзаро ишончнинг мавжудлиги, қонунларда ментал хусусиятларнинг инъикоси, ташқи сиёсатда очиклиги, фуқароларнинг ҳур фикрлиги каби индикаторларни киритиш асосида очиб берилган;

мамлакатда демократик ислохотлар, жамият аъзолари ижтимоий тафаккурида трансформациялашув (ижтимоий фаоллик, ватанпарварлик, эркин фикрлаш, ўзлигини англаш, манфаатдорлик ҳамда лоқайдлик ва боқимандаликдан қутилиш каби) ижтимоий сўровномалар динамикаси орқали асослаб берилган;

жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти ва жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузининг ортиб боришида инсон омили ҳамда демократиялашув жараёнларининг жадаллашувини халқаро рейтинг индикаторлари бўйича асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон тараққиётининг ҳозирги босқичида жамиятни демократлаштириш жараёнларини жадаллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинган ҳамда бу борада олиб борилаётган ислохотларда инсон омилининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини янада ошириш механизмлари ишлаб чиқилган;

ҳозирги даврда мамлакатимиз барқарор тараққиёти ва инсон манфаатларини таъминлаш, жамиятни жадал демократлаштириш жараёнларида, яъни “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойилини тизимли равишда амалга оширишга таъсир кўрсатадиган демократик институтлар фаолиятини такомиллаштириш воситалари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, нашр этилган ўқув қўлланма ва у ҳақидаги рецензиялар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда илгари сурилган ғоялардан сиёсий фанлар, давлат бошқаруви, халқаро сиёсий муносабатлар, фалсафа, ижтимоий фалсафа, психология, социология, фуқаролик жамияти ва тарих фанлари бўйича ўтказиладиган тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, улардан Ўзбекистон Республикасидаги тегишли сиёсий партиялар, ҳокимликлар, нодавлат ва ноижорат ташкилотлари, жамоат ташкилотлари ўз дастурларини такомиллаштиришда, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ва унинг жойлардаги бўлимлари, ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда тарғиботчилар мавзуга оид тадбирлар, давра суҳбатларида фойдаланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш жараёнларини жадаллаштириш ва жамият ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашда инсон омилини ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган таклифлар асосида:

ижтимоий-сиёсий парадигмалар доирасида жамиятни демократлаштиришга оид категориал таърифлар замонавий шароитда жамиятни демократлаштириш жараёнларини жадаллаштиришда инсон омилининг специфик хусусиятлари мавжудлигини асослаш орқали такомиллаштиришга доир хулосалардан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 2019 йил учун мўлжалланган комплекс чора-тадбирлар дастурининг 10- (давлат хизматида демократик талабларга жавоб берадиган малакали мутахассисларни жалб этишга қаратилган ягона кадрлар сиёсатини шакллантириш), 18- (жамият ҳаётида демократик

принципларни мустаҳкамлашда оммавий ахборот воситалари таъсирчанлигини янада ошириш) ҳамда 58-, 68-, 69-, 72-, 73-бандларини амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилишида кенг фойдаланилган (Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 2019 йил 18 октябрдаги 01-27/815-сон маълумотномаси). Натижада, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг 2019 йил 22 декабрда бўлиб ўтадиган сайлов жараёнларига фаол тайёргарлик кўриш ишларини янада самарали ташкил этиш имконини берган;

жамиятнинг демократлашганлиги ва унда инсон омили категорияси жамиятнинг эркинлиги, бошқарувнинг легаллиги ва легитимлиги, давлат ва халқ ўртасида ўзаро ишончнинг мавжудлиги, қонунларда ментал хусусиятларнинг инъикоси, ташқи сиёсатда очиклиги, фуқароларнинг ҳур фикрлилиги каби индикаторлар билан белгиланишига доир назарий хулосалардан Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг 2019 йилда белгиланган устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан тасдиқланган иш режасининг 10-, 17-, 18-, 23-, 31-бандларини амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилишида, шунингдек, тарғибот материалларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциациясининг 2019 йил 9 сентябрдаги № 04-06/253-1-сон маълумотномаси). Натижада, мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси фаолиятини янада ривожлантириш, жамоатчилик назоратининг самарали тизимини шакллантириш ҳамда ёшларда мамлакатимиздаги кенг кўламли демократик ислохотларнинг моҳияти борасидаги билим ва кўникмаларни шакллантиришга хизмат қилган;

мамлакатда демократик ислохотлар, жамият аъзолари ижтимоий тафаккурида трансформациялашув ижтимоий сўровномалар динамикаси орқали асослаб берилганлигига оид илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий Кенгаши томонидан ишлаб чиқилган, 2018 йил учун мўлжалланган йиллик иш режасининг 28-, 32-, 34-, 50-, 66-, 74-, 106-бандларини шакллантиришда ҳамда “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишнинг долзарб масалалари”, “Ёшлар – келажак бунёдкори”, “Ёш ватандошлар”, “Ёшлар поезди” тарғибот акцияси доирасида ташкил этилган “Истиқлол фарзандлари” фестивали дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг 2019 йил 18 октябрдаги №04-13/4762-сон маълумотномаси). Ушбу таклифларнинг амалиётга жорий этилиши натижасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг ёшларимиз томонидан қўллаб-қувватланиши, эртанги кунга ишонч ҳиссининг ортиб бориши, юксак сиёсий-ахлоқий фазилатларни ривожлантиришга ҳамда ушбу йўналишдаги тарғибот-ташвиқот ишларини такомиллаштиришга хизмат қилган;

жамиятнинг ижтимоий-сиёсий тараққиёти ва жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузининг ортиб боришида инсон омили ҳамда демократиялашув

жараёнларининг жадаллашуви халқаро рейтинг индикаторлари бўйича асосланганига оид илмий-амалий хулосалардан “Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг 2020 йил учун белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш юзасидан тасдиқланган Йўл харитасининг 1-, 5-бандларини амалга ошириш механизмларининг ишлаб чиқилиши ва тарғибот материалларини тайёрлашда кенг фойдаланилган. Шунингдек, 2019 йилнинг сентябрь ойида “Рақамлашув, иқтисодиёт, хавфсизлик ва барқарор ривожланиш: Марказий Осиё ва Европа иттифоқи учун истикболлар” мавзусида ўтказилган 2 – Марказий Осиё Ёшлар Конгресси дастурининг ишлаб чиқилишида ҳам фойдаланилган (“Юксалиш” умуммиллий ҳаракатининг 2019 йил 23 октябрдаги 1758/19-сон маълумотномаси). Ушбу хулосалардан фойдаланилиш фуқароларимизнинг ватанга бўлган муҳаббат туйғусининг янада ошишига, хорижда яшаётган ватандошларимизнинг ўзлигини англашга, уларнинг саъй-ҳаракатлари ва кучларини ватан учун сафарбар этишга ҳамда дахлдорлик ҳиссини оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола (4 та республика ва 1 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асослаган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси очиб берилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предметлари тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ҳамда амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Жамиятни демократлаштиришда инсон омилини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида мавзунинг назарий жиҳатлари ўрганилган, хусусан, “жамият”, “демократия”, “инсон омили”, “шахс” каби тушунча ва категориялар ҳамда жамиятни демократлаштиришга оид концепциялар моҳияти, жамиятни

демократлаштириш жараёнларини жадаллаштиришнинг ижтимоий-сиёсий зарурияти илмий тадқиқот объекти сифатида олинган.

Диссертацияда XIX асрнинг биринчи ярмигача бўлган даврга қадар мавжуд бўлган сиёсий ғоялар ва таълимотларнинг асосий йўналиши адолатли, инсонпарвар давлатни ўрнатишга қаратилганлиги, XIX аср охирлари XX аср бошларидаги мавжуд сиёсий ғояларнинг асосий мазмунини эса миллий озодлик кураши ғояси, миллий давлатчиликни ўрнатиш ғояси ташкил этганлиги ва XX асрнинг охири XXI асрнинг бошларида эса демократик давлатни шакллантириш, фуқоролик жамиятини барпо этиш ва жамиятнинг барча соҳаларини демократлаштиришда инсон омилининг назарий методологик асосларини очиқ беришга қаратилган ислохотлар таҳлилига эътибор қаратилган.

Тадқиқотда “демократия” категориясини қўллашда айрим замонавий ёндашувларнинг мазмун-моҳияти очиқ берилган.

Хусусан, биринчи асосий ёндашув сифатида халқ ҳокимияти, халқ бошқаруви, халқ томонидан сайланган ва халқ учун сайланиш тамойили эътироф этилган; иккинчидан, жамият аъзоларининг бошқарувдаги тенг ҳуқуқли иштироки ва кўпчилик овози билан қарорлар қабул қилиш механизмларининг шаклланиш босқичларига эътибор қаратилган; учинчидан, муайян қадриятлар тизими, муайян дунёқарашга (эркинлик, тенглик, инсон ҳуқуқи ва бошқалар) асосланган “идеал жамият” тушунчалари очиқ берилган; тўртинчидан, халқ ҳокимиятига интиланган ижтимоий ва сиёсий ҳаракатлар, демократик мақсад ва идеалларни амалга ошириш технологияларини қўллашда инсон омилининг муҳимлиги илмий жиҳатдан исботлашга ҳаракат қилинган.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикасида ҳамма нарса инсон учун, унинг келажаги учун, деган эзгу тамойилни амалга ошириш барча соҳалар учун доимо устувор вазифа бўлиб келаётганлиги муҳим илмий жиҳатлардан биридир.

Диссертацияда инсоннинг шахс бўлиб шаклланишида жамият, ижтимоий муҳит муҳим ўрин тутиши, шахснинг шаклланиши, камолга етиши жамият ижтимоий ривожланишига, иқтисодий тараққиётига, меҳнат захиралари ва меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланилишига боғлиқ эканлиги очиқ берилган.

Маълумки, сиёсий назарияларда демократиянинг *марксистик, плебисцитар, плюралистик, элитар* концепциялари мавжуд бўлиб, улар турли мамлакатлар ҳаётида муайян даражада ўз ифодасини топмоқда.

Бу концепцияларнинг моҳиятига кўра, у жамиятдаги ишлаб чиқариш муносабатларини белгилайдиган сиёсий ҳокимият шакли сифатида тавсифланиб, унинг ривожланиши ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг алмашинувиغا олиб келади.

Шунингдек, диссертацияда демократия концепциялари қиёсий таҳлил қилиниб, бугунги кун ўзбек жамиятига кўпроқ дахлдор бўлган назария бу элитар демократия назарияси бўлиб, унда сиёсий элита гуруҳи аҳолининг

мамлакатни бошқаришга қодир қисми бўлибгина қолмай, шу билан бирга, у демократияни ҳам ҳимоя қилишга қодир бўлган қисми таҳлил қилиниб, сиёсий элитанинг демократия тарафдори эканлиги, энг аввало, мавжуд сиёсий тузумга бевосита боғлиқ эканлиги ҳам асосланган.

Бундан ташқари, жамият ҳаётини демократлаштиришнинг ҳозирги замон концепциясида демократлаштириш жараёнларини жадаллаштиришга таъсир этувчи инсон омилининг роли ва ўзига хослиги сиёсий жараёнлар нуқтаи назаридан илмий тадқиқ этилган. Демократиялаш жараёни натижаси ва суръати кўпчилик ҳолатда жамият аъзоларининг ўзларига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ, агар фуқароларда ҳуқуқий маданият, сиёсий, ҳуқуқий онг қанчалик юқори бўлса, уларнинг демократия ривожланишига таъсири шунчалик самарали бўлади. Демак, бунинг учун демократик жараёнлар жамиятнинг барча соҳаларида қонунни ҳурмат қилиш - қонунга итоат этиш каби фазилатларга мос равишда ривожланиши тақозо этилади.

Тадқиқотда жамиятни демократлаштириш жараёнларини жадаллаштиришнинг зарурияти мустақиллик йилларида жамиятнинг устувор соҳаларида амалга оширилган ислоҳотлар мисолида таҳлил қилиниб:

сиёсий соҳада – эски давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими тугатилгани, янги жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий асослари яратилгани, давлат ҳокимияти ва бошқарув тизими шакллантирилгани;

иқтисодий соҳада – давлат мулкига асосланган эски иқтисодий тизим барҳам топгани, хусусий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи берилгани, бозор муносабатларига ўтишнинг ҳуқуқий асослари яратилгани;

маънавий-мафкуравий соҳада – инсон онги ва қалбига мажбуран киритилган ягона мафкура – дунёқарашдан қутулиб, янги демократик жамиятнинг элементлари вужудга келтирилгани назарий методологик асос сифатида очиб берилган.

Шунингдек, тадқиқотда янги демократик жамият куриш йўлида қуйидаги учта ўзига хос хусусиятга эътибор бериш лозимлиги:

- биринчи хусусият бу - давлат ҳокимиятини шакллантириш, ривожлантиришда инсоннинг ўрни, халқнинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб берувчи омилга эга экани;

- иккинчи хусусият – давлат сиёсатининг амалда инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, фуқароларнинг муносиб турмушини таъминлашдаги ўрни;

- учинчи хусусият - янгиланган жамиятнинг сиёсий ва давлат тузилиши инсонга, унинг сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий турмуш тарзини эркин танлаб олишининг кафолати бўлиши кўрсатиб ўтилган.

Мазкур жараёнлар жамиятни демократлаштиришнинг ўзига хос йўли танлаб олингани, барча ислоҳотларнинг замирида инсон манфаати доимо устуворлик қилганлиги натижасида одамларнинг тафаккури ва ижтимоий савияси билан демократик ўзгаришлар даражаси, суръатлари ўсиб борганлигини кўрсатди.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши, миллий давлатчилик анъаналарининг тикланиши ва бугунги кунда жамият

ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасини таъминлашда инсон омилининг ўрни ва ролини англаш ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Диссертациянинг **“Мамлакатда демократик ислоҳотларни амалга оширишда инсон омилининг ўзига хос жиҳатлари”** деб номланган иккинчи бобида инсон омили билан боғлиқ масалалар чуқур ўрганилган ва уларнинг турли хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, тадқиқотда мамлакатимизда жамият ҳаётини янгилаш ва модернизациялашнинг ўзига хос босқичлари, жамиятнинг демократиялашувини жадаллаштиришда фуқароларимиз сиёсий-ҳуқуқий маданиятининг ривожланишидаги ўзига хос жиҳатлар алоҳида ўрин эгаллайди.

Диссертациянинг мазкур бобида мавзуга алоқадор масалалар билан бирга, демократик ислоҳотларни амалга ошириш ва миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаш ҳамда тоталитар бошқарувга асосланган социалистик тузумдан бозор иқтисодиётига асосланган эркин, демократик жамиятга босқичма-босқич, ларзаларсиз ўтишнинг мазмуни ва моҳияти илмий таҳлил қилинган.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, қарамлик исканжасидан озод бўлиб, ўз миллий давлатчилигини ўрнатиш, жамиятнинг барча соҳаларини қайта қуриш, пировардида, демократиянинг халқаро меъёрларини ҳаётга татбиқ этиш осонликча кечмаган. Шу сабабли давлатимизда эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш ва жамиятнинг барча соҳаларини демократлаштириш билан боғлиқ шарт-шароитлардан келиб чиқиб, Ўзбекистон келажаги буюк давлат эканлиги, бу инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлат бўлиши зарурлиги назарий жиҳатдан асослаб берилган.

Жамият ҳаётида бир ижтимоий-иқтисодий тараққиёт босқичидан иккинчисига ўтиш осон кечадиган жараён эмас. Бу босқичда барча соҳаларда барқарор тараққиёт учун зарур замин вужудга келтирилиши лозим. Улар эса, ўз-ўзидан юзага келмайди. Аввало, мамлакат тараққиёти даражалари, халқнинг ўзига хос турмуш тарзи, менталитетдан келиб чиқиб, ўтиш даврининг стратегик моделини ишлаб чиқиш ва реал ҳаётга татбиқ қилиш талаб этилади.

Тадқиқот ишида жамиятда бошланган ҳар қандай демократик ислоҳот, биринчи навбатда, инсон манфаатига, унинг ҳаёт синовидан ўтган бой тажрибаларига ва жамият эҳтиёжларига асосланиши лозимлиги илгари сурилган. Шунингдек, Ўзбекистонда давлат тузуми ва жамиятни тубдан янгилаш концепциялари динамик тарзда ривожланиб, такомиллашиб борганлиги таҳлил қилинган.

Диссертацияда мазкур жараёнларни амалга оширишда қуйидаги вазифаларни жорий этишга:

- давлат ва жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий номуносивбликларнинг тартибга солиниши;

- янги давлатчилик тизими вужудга келтирилиши;
- иқтисодий соҳада таркибий ўзгаришлар босқичма-босқич амалга оширилиши;
- ижтимоий ҳимоя тизими инсон ва оила манфаатларига самарали хизмат қилиши;
- ижтимоий-сиёсий, маънавий ва иқтисодий муҳит эркинлаштирилиши;
- тарихий хотиралар тикланиши ва миллий давлатчилик тарихи яратилиши ҳамда миллий кадриятлар устуворлиги таъминланиши;
- миллий истиқлол ғояси концепцияси ишлаб чиқилиши;
- кучли давлатдан - кучли жамият сари ва бошқа тамойилларига эътибор қаратилган.

Жамиятнинг маънавий янгиланиши ҳам оддийликдан мураккабликка қараб ривожланиб боради. Шу ривожланиш жараёнида инсон ўзининг маънавий имкониятларини изчил ошириб боришга ҳаракат қилади. Тарихий жиҳатдан олиб қаралганда, бугунги кун инсонлари ўзининг маънавияти ва сиёсий-ҳуқуқий маданияти даражаси билан аجدодларимиздан кескин фарқ қилади. Бунинг сабаби жамиятнинг ижтимоий-сиёсий негизи, одамлар ўртасидаги муносабатлар мажмуи ўзгариб, такомиллашиб бораётганлигидадир. Бу муносабатларнинг асосида одамларнинг ўз-ўзини намоён қилиши ётади. Бу ҳолат сиёсий-ҳуқуқий маданиятнинг ривожига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Тадқиқотда Ўзбекистонда тафаккур эркинлигига ҳам кенг имконият яратилганлиги ва шунинг асосида демократик сиёсий-ҳуқуқий маданият шакллانганлиги, унда фаол жамоатчиликда мустақил фикр ривожини, фикрлар хилма-хиллигини вужудга келтириш орқали сиёсий-ҳуқуқий маданият ривожига қулай имкониятлар яратилаётганлиги таҳлил этилди.

Мамлакатда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётни демократлаштириш долзарб вазифага айланиши табиий эди ва шундай бўлди ҳам. Бу эса, ўз навбатида, мавжуд муаммоларни одилona ҳал этишнинг объектив заруратини вужудга келтирди. Шу билан бирга, ислохотлар мамлакатда кечаётган ижтимоий-сиёсий ўзгариш ва янгиланишларда, ички ва ташқи сиёсатни амалга оширишда ижро ҳокимиятини кучайтириш, сиёсий, ижтимоий ва инсонпарварлик, бунёдкорлик намуналарини намоён қилишда сиёсий партияларнинг масъуллигини оширди. Эътиборлиси, тадқиқотда бу даврда жамият аъзолари ижтимоий тафаккурида (ижтимоий фаоллик, ватанпарварлик, эркин фикрлаш, ўзлигини англаш, манфаатдорлик, лоқайдлик ва боқимандаликдан қутилиш каби) трансформациялашув жараёнлари очиб берилди.

Умуман олганда, жамиятнинг демократлашувини таъминлашнинг сиёсий механизми мазкур жамиятда инсонларнинг сиёсий-ҳуқуқий манфаатларига хизмат қиладиган, жамият сиёсий тизимининг демократик қоидалар бўйича янгиланиб бориши билан ўлчанади. Шундай механизмга асосланган жамият, давлат демократик бўлади.

Диссертациянинг учинчи боби “Ўзбекистонда жамиятни демократлаштиришни жадаллаштиришда янги давр: ютуқлар, муаммолар ва ечимлар” деб номланиб, унда давлат ва халқ ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги босқичида “Ҳаракатлар стратегияси” жамиятни демократлаштиришнинг жадаллашган босқичи эканлиги, “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғоясининг жамиятни демократлаштиришдаги аҳамияти, демократик жамият қурилишида инсон омилини фаоллаштиришнинг муаммо ва ечимлари каби масалалар илмий жиҳатдан тадқиқ этилган.

Тадқиқотда бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган “Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан бир манбаидир”, “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар” деган фундаментал ҳуқуқларни амалга ошириш мақсадида “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши” лозимлиги ҳақидаги ғоянинг илгари сурганлиги ва амалиётда ўз аксини топаётганлиги ҳар томонлама очиб берилган.

Шунингдек, тадқиқотнинг мазкур бобида Ўзбекистонни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишда барча сиёсий институтларнинг жалб этилаётганлиги ҳамда ушбу демократик ислохотларнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинаётганлиги таҳлил қилинган. Бунда, энг аввало, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётининг демократлашаётгани, ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг жадаллашаётгани, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, турли маданиятларнинг интеграциялашуви, бойиши ва миллий ўзликни англаш жараёнларининг юксалаётгани, ватанпарварлик каби муҳим туйғуларнинг ривожланаётгани ҳаётий мисоллар билан очиб берилган.

Маълумки, Ўзбекистонни 2017-2021 йиллар давомида янада ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси бугунги кунда миллий давлатчилигини тиклаб, мустақил ривожланиш йўлидан бораётган халқимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи учун устувор йўналишлар ва долзарб вазифалар белгилаб берилган, демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, мамлакатимизни энг илғор давлатлар қаторига олиб чиқиш учун кенг имкониятлар очиш учун омилкор фаолият юритиш дастуридир.

Тадқиқотда, ушбу тарихий ҳужжат билан халқимизнинг миллий салоҳиятини янада юксак чўққиларга кўтариш, жамиятнинг барча соҳаларида туб ислохотлар ва улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошириш, мамлакатимизда қонун устувор бўлган демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида олиб борилаётган ислохотлар илмий жиҳатдан очиб берилган.

Ушбу стратегик ҳужжат юртимизда юз бераётган ўзгаришларга тамомила янгича нигоҳ билан қараш, эришилган муваффақиятларни янада

чуқур англаб етишнинг ўзига хос юксак мезони эканлиги, Ўзбекистон тараққиёти йўлида халқимиз амалга ошираётган ислохотларнинг сифат жиҳатидан – янги ва жўшқин, кўлам жиҳатидан – кенг ва қамровдор, халқимиз манфаатларини таъминлаш бўйича юксак натижадорлиги нуқтаи назаридан эса янги босқични бошлаб бермоқда.

Шу билан бирга, тадқиқотда бугун мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш жараёнларини жадаллаштиришда қуйидаги жиҳатлар:

- халқ билан мулоқот қилишнинг самарали механизмлари яратилаётгани, яъни мамлакатимиз тараққиётининг истиқболдаги режасини белгилашда кўпчилик фикрининг инобатга олинаётгани;

- мамлакатимиз ривожига тўсиқ бўлаётган коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, адолатли судлов каби муҳим масалаларнинг самарали ҳал этилаётгани;

- фуқароларнинг хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш қафолатларини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани;

- давлат бошқаруви органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, улар фаолиятида ошкораликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳокимият органларига мурожаат қила олиши, шунингдек, давлат ҳокимияти органлари фаолияти мониторингини амалга оширишда «Электрон ҳуқумат» тизимининг такомиллаштирилаётгани;

- аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари амалга оширилаётгани;

- давлат бошқарувида очиқлик ва шаффофликка асосланган, самарали қарорлар қабул қилиш тизими жорий этилаётгани;

- давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳалари тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтказилаётгани ва бошқалар таъкидлаб ўтилган.

Шунингдек, диссертацияда мамлакатимизда жамиятни жипслаштирувчи миллий ғояга янги давр, миллатимиз тарихининг янги босқичи талабларидан келиб чиққан реал талаблар қўяётганини бугунги кун нуқтаи назаридан илмий асослашга ҳаракат қилинган. Мамлакатимиз тарихида ўчмас саҳифа очган буюк истиқлол туфайли Ўзбекистон ўтган давр мобайнида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари дадил илгарилаб бораётганлиги тадқиқ қилинган.

Миллий юксалиш деганда, мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш сифатини ҳар томонлама юқори босқичга кўтаришни тушунамиз. Шу сабабли, давлатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг барча босқичларида эришилган натижалар аҳоли турмуш тарзининг ўсиши билан ўлчанади. Бу борада илм-фан, таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт соҳаларида бўлаётган катта ўзгаришлар ҳаётимизда муҳим воқеликлардан бирига айланмоқда. Мамлакатимизда ижтимоий ривожланиш бўйича ўзига хос тизим шаклланимоқда.

Бу борада Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга оширилади, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ёшлар – келажагимиз”, “Беш ижобий ташаббус” каби Давлат дастурлари аҳолини янгича фикрлаш ва ишлашга сафарбар этишда муҳим роль ўйнамоқда. Бунинг натижасида, ҳатто мамлакатнинг энг чекка ҳудудларидаги қишлоқларнинг ҳам меъморий қиёфаси тубдан янгиланиб, аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда ўтказилаётган демократик ислохотлар халққа, ҳар бир шахсга ўзлигини қайтариш, миллий ғурур, ор-номус, кадр-қимматини, шон-шавкати жойига қўйишдир. Зеро мамлакатимизда давлат сиёсатининг бош объекти инсон деб тан олинган, инсонпарвар ҳуқуқий-демократик давлат барпо этиш конституцион мақсад қилиб белгиланган бежиз эмас. Шу орқали давлат инсоннинг эркинлигини кафолатлайди, ёш авлодни баркамол шахс қилиб тарбиялаб етиштириш ваколатини зиммасига олади. Уни ҳуқуқий ҳимоялаш тизимини яратади, ташаббус кўрсатиши ва ўзининг ижтимоий моҳиятини теран англаши учун зарур имкониятлар ва шароитлар яратади.

Тадқиқотда инсон жамиятни демократлаштириш жараёнларини жадаллаштирувчи омил эканлигидан келиб чиқиб, давлатимиз ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг ўсиши шу омилнинг ривожланиш даражасига боғлиқлиги асослаб берилган. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг халқимиз томонидан қўллаб-қувватланиши, халқимизнинг ички хотиржамлиги, эртанги кунга ишонч ҳиссининг ортиб бориши фуқароларимизнинг сиёсий тафаккурида трансформациялашув жараёнлари рўй бераётганидан дарак беради.

Диссертацияда айнан инсон омилини фаоллаштириш ва тадрижий ривожлантириш мамлакатимизда ислохотларни жадал амалга ошириш, янгиланишлар, маҳаллий ҳокимият ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолият доирасини кенгайтириш, уларга давлат ваколатларининг бир қисмини босқичма-босқич ўтказиб бориш, нодавлат ва жамоат тузилмаларининг ҳуқуқи ва нуфузини оширишни кўзда тутадиган “Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак” тамойилини самарали амалга ошириш имкониятлари мисоллар орқали таҳлил қилиб берилган.

ХУЛОСА

Инсоният дунёнинг аксарият давлатларида демократик кадрлар ривожланган XXI асрда яшамоқда. Жаҳон ҳамжамиятида мустақил давлат сифатида Ўзбекистонда ҳам жамиятни демократлаштириш борасида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Айниқса, сўнгги йилларда жамиятни демократлаштириш жараёнлари янада жадаллашмоқда.

Ўзбекистонда жамиятни демократлаштиришни жадаллаштиришда инсон омилини тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Демократлаштириш жараёнларининг бошланиши, биринчи навбатда, давлат мустақиллиги билан боғлиқдир. XX аср охири, яъни собиқ иттифок ҳаётининг сўнгги йилларида, Ўзбекистоннинг мустақил давлатчилигини қуриш ва унинг сиёсий-ҳуқуқий пойдеворини шакллантиришда инсон омилининг ошиб бораётганлиги илмий жиҳатдан очиқ берилди.

2. Албатта, мустақил давлатгина демократик жамиятга ўтишнинг сиёсий, ҳуқуқий пойдеворини шакллантира олади ва шу орқали демократиянинг етакчи устуни бўлган халқ вакиллигининг таъминланишига замин яратади. Ушбу жараён демократик жамиятга ўтишнинг барча мамлакатлар учун ягона бўлган андозаси мавжуд бўлмаслигининг ўзига хос муҳим объектив сабаби ҳамдир.

3. Мамлакатимиз сиёсий ҳаётининг барча соҳаларини эркинлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, унда миллий ва умумбашарий қадриятларга асосланган сиёсий маданиятни шакллантириш, бу жараёнда демократия, фикр ва виждон эркинлиги, плюрализм ва инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, гуманизм ва умуминсоний қадриятларга риоя қилиб яшаш тамойилини жамият ҳаётининг асосий мезонига айлантириш зарур.

4. Жамиятда содир бўлаётган ҳуқуқий, маданий, моддий аҳамиятга молик жараёнларда танлаш ҳуқуқига эга инсонларгина ижтимоий ҳаётда фаоллик кўрсатадилар. Ижтимоий ҳаётнинг модернизациялашуви инсон маънавиятининг юксалишига хизмат қилади. Мамлакатни демократлаштириш шароитида инсон омилини фаоллаштириш – аҳолининг фаровонлигини оширишни таъминлайдиган иқтисодий самарадорликка эришиш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришни талаб этади.

5. Фуқаролар онгига миллий ғоянинг сингдирилиши ва амалиётга айланиши ҳамда жаҳонда кечаётган глобаллашув жараёнлари инсон омили масалаларини биринчи ўринга олиб чиқди. Ўзбекистоннинг барқарор ижтимоий-иқтисодий тараққиёти демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва халқ фаровонлигини ошириш инсон омилини фаоллаштиришнинг асоси бўлиб, эзгу мақсадларни амалга оширишнинг ишончли кафолати ҳисобланади.

6. Жамиятни демократлаштириш жараёнларини жадаллаштиришнинг муҳим шarti бўлган фуқаролар сиёсий ва ижтимоий фаоллигини юксалтиришга эришиш учун мамлакатимиз сиёсий элита вакилларининг жамиятимиз аъзоларига нисбатан сиёсий-ижтимоий жараёнларга жалб қилувчилик муносабатларини жиддий равишда кучайтириш зарур.

7. Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар “Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари” ғояси асосида амалга оширилаётгани илмий жиҳатдан асосланиб, ушбу ғоя ҳар томонлама менталитетимизга хос ҳаракатлар дастурига айланиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

8. Ҳозирги даврда Ўзбекистон Республикасининг яхлитлигини янада мустаҳкамлаш ва уни тараққий эттиришда мамлакатимизда амалга

оширилаётган ислохотларнинг кўп миллатли ўзбек халқи томонидан қўллаб-қувватланиши, халқимизнинг ички хотиржамлиги, эртанги кунга ишонч ҳиссининг ортиб бориши муҳим ҳисобланади. Чунки халқимизнинг сиёсий тафаккурида трансформациялашув жараёнлари рўй бермоқда.

9. Жамиятни демократлаштириш жараёнларининг жадаллашиб бориши жамиятнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий хавфсизлигини мустаҳкамлайди. Аммо, шу билан бирга, янги таҳдидларнинг пайдо бўлишига ҳам замин яратмоқда.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.29.08.2017.S.01.08
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ИНОЯТОВ МАХМУД БАФОЕВИЧ

**ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ ФАКТОР В УСКОРЕНИИ ПРОЦЕССОВ
ДЕМОКРАТИЗАЦИИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

23.00.02 – Политические институты, процессы и технологии

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПОЛИТИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.PhD/Ss83.

Диссертация доктора философии (PhD) по политическим наукам выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Национального университета Узбекистана (www.nuu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyounet.uz.

Научный руководитель:	Куранбаев Кахрамон Кучкарович доктор политических наук
Официальные оппоненты:	Бекмурадов Мансур Бобомурадович доктор социологических наук, профессор Мавлонов Журабек Ёркул угли доктор политических наук
Ведущая организация:	Ташкентский государственный институт востоковедения

Защита диссертации состоится «__» «_____» 2019 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.29.08.2017.S.01.08 при Национальном университете Узбекистана по адресу 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Здание факультета Социальных наук Национального университета Узбекистана, 5 этаж, 511-аудитория. Тел.: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, (99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирована за №__). Адрес: 100174, г. Ташкент, Университетская улица, дом 4. Административное здание Национального университета Узбекистана, 1 этаж, 4-й кабинет. Тел.: (99871) 246-67-71, факс: (99871) 246-02-04.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2019 года)

Ш.И.Пахрутдинов
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор политических наук, профессор

А.Д.Аскарлов
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии по педагогическим наукам(PhD), доцент

Б.Т.Туйчиев
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, доктор философии, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В XXI веке во многих странах мира все больше внимания уделяется роли человеческого фактору в ускорении демократических процессов, а также обеспечении политической, социальной и экономической стабильности общества и усиливается практика использования эффективных механизмов в деятельности демократических институтов государства для дальнейшего развития человеческого фактора. Это, в свою очередь, является основной задачей для многих развивающихся стран мира по созданию правового демократического государства, основанного на отношениях свободного рынка, а также на формировании и развитии основ гражданского общества. Одной из важнейших задач является постоянная демократизация системы государственного и общественного управления с учетом сути современных социальных и политических процессов. Эти процессы приводят к необходимости серьезного изучения не только объективных условий и ситуаций, но также субъективных факторов, которые вызывают эти ситуации.

В настоящее время исследовательские центры во многих странах проводят масштабные исследования по проблемам дальнейшей демократизации общества и роли человеческого фактора в нем. Акцент в них делается на исследовании роли человеческого фактора в демократизации общества, приверженности демократическим принципам управления, социально-психологическим механизмам формирования имиджа человека и его факторов. В результате этих исследований выдвигается ряд новых концептуальных идей относительно сущности таких понятий, как «демократия», «демократическое управление», «технологии демократического управления», «политический маркетинг» и «человеческий фактор в демократических процессах». Эти идеи усиливают акцент на исследовании человеческого фактора в ускорении процесса демократизации общества.

В нашей стране возрастает роль человеческого фактора в процессе дальнейшего углубления политических реформ, повышения вовлеченности граждан в ускорение процесса демократизации нашего общества. В связи с этим, одним из приоритетов Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан является «совершенствование государственного и общественного строительства», то есть одной из основных задач страны определено усиление роли парламента и политических партий, роли институтов гражданского общества и средств массовой информации в углублении демократических реформ и модернизации страны. В этом контексте важной задачей является систематическое изучение теоретических и методологических подходов к роли человеческого фактора в ускорении процессов демократизации общества с политической точки зрения.

Данное диссертационное исследование служит выполнению задач, определенных в Конституции Республики Узбекистан, Законах Республики Узбекистан «О гарантиях и свободе доступа к информации» от 24 апреля 1997 года, «О негосударственных некоммерческих организациях» от 14 апреля 1999 года, «Об открытости деятельности органов государственной власти и управления» от 5 мая 2014 года и «О парламентском контроле» от 11 апреля 2016 года, Указах Президента Республики Узбекистан «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года № УП-4947, «Об утверждении Концепции административной реформы в Республике Узбекистан» от 8 сентября 2017 года № УП-5185, «О дополнительных мерах по повышению эффективности общественного контроля за проводимыми реформами в социально-экономической сфере, а также активности граждан в осуществлении демократических преобразований в стране» от 4 октября 2019 года № ПП-4473, а также в других нормативно-правовых актах, связанных с настоящей темой.

Соответствие темы исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в Республике. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий в Республике: «I. Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

